

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2019 йил апрель ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг очиқ суд мажлиси, жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар суди биносида, жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг раиси Ф.Ю.Суванкуловнинг раислигида, суд ёрдамчиси Ж.Нарматовнинг котиблигида, тарафлардан Янгиер шаҳар прокурорининг ёрдамчиси С.Мирзаахмедов, судланувчи Ф.Зармасовнинг ҳимоячиси Ховос туманидаги “Azamat Himoyasi” адвокатлик бюроси адвокати А.Сайитмуратовнинг иштирокида, Зармасов Фахриддин Мустафакулович ва Усманов Косимжон Эсановичларга нисбатан № 1-1209-1901/10-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Зармасов Фахриддин Мустафакулович (Zarmasov Faxriddin Mustafakulovich) - 1983 йил 7 апрель куни Сардоба туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, қармоғида уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланган;

1) жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2009 йил 17 сентябрь кунги ажримига кўра, ЖК 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ЖК 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ўзаро ярашганлиги сабабли ҳаракатдан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2011 йил 16 май кунги ҳукмига кўра, ЖК 248-моддаси 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида, 497.350 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима 2012 йил 28 февраль куни тўлиқ ундирилиб, ЖК 78-моддасига асосан судланмаган ҳисобланувчи, Сардоба туманидаги “Азамат Нуриддин ҳамкор” фермер хўжалигида қоровул, Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, Гулзор ҚФЙ, Тинчликсевар маҳалласи, рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2019 йил 22 январь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган;

Усманов Косимжон Эсанович (Usmanov Kosimjon Esanovich) - 1984 йил 26 апрель куни Сардоба туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, қармоғида уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишламайди, Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, Гулзор ҚФЙ, Х.Олимжон маҳалласи, Сангзор кўчаси 3-уйни

2-хонасида яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 22 январь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган;

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Зармасов Фахриддин Мустафакулович (Zarmasov Faxriddin Mustafakulovich), бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб, озгинадан кўпроқ микдордаги гиёвандлик воситасини қонунга ҳилоф равишда ўтказиш жинойтини қасдан содир қилган.

Жумладан, Зармасов Фахриддин Мустафакулович, 2018 йил 16 декабрь куни, Янгиер шаҳар ИИБ бошлиғи номига Янгиер шаҳар ИИБ ЖКБ тезкор вакили, Ф.Зармасовни гиёвандлик воситаларини қонунга ҳилоф равишда сотиш билан шуғулланаётганлиги ҳақидаги билдиргисига асосан, 2018 йил 18 декабрь куни Янгиер шаҳар ИИБ ЖКБ тезкор вакиллари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида, Сардоба тумани, Гулзор ҚФЙ, Х.Олимжон МФЙ, Сангзор кўчасида ИИБ ходими Ф.М.Зармасовга гиёвандлик моддаси топиб беришини, пулга сотиб олишини айтганида, Ф.М.Зармасов унга шундай гиёвандлик моддасини пулга топиш мумкинлигини айтиб розилик билдириб, ИИБ ходимлари томонидан тадбирга берилган 200.000 сўм пулни олиб, Сардоба тумани, Гулзор ҚФЙ, Х.Олимжон МФЙ, Сангзор кўчаси 3-уй 2-хонадонда яшовчи таниши Усманов Косимжон Эсанович билан гиёвандлик моддасини сотиб бойлик орттириш мақсадида жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахс бўлиб, ундан 200.000 сўм ва ўзининг Самсунг русумли телефони эвазига 1 дона “СПИЧКИ” номли гугурт қутисига жойланган яшил рангли, ўткир хидли “марихуана” гиёвандлик моддасини олиб, ИИБ ходимига сотган вақтида ушланиб, ушбу модда ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Олиб борилган тезкор тергов ҳаракатлари натижасида, Ф.М.Зармасов ушбу гиёвандлик моддани Сардоба тумани, Гулзор ҚФЙ, Х.Олимжон МФЙ, Сангзор кўчаси 3-уй 2-хонадонда яшовчи таниши Усманов Косимжон Эсановичдан 200.000 сўм пул ва Ф.М.Зармасовга тегишли бўлган Самсунг русумли телефон аппаратини бериб олганлиги аниқланиб, К.Э.Усмановдан тезкор тадбирга ишлатиш учун берилган 200.000 сўм пуллар ва Ф.М.Зармасовни Самсунг русумли телефон аппарати ашёвий далил тариқасида олинган.

Судга оид кимё экспертизасининг 2018 йил 19 декабрдаги 928-сонли хулосасига кўра, тадқиқотга келтирилган “СПИЧКИ” номли гугурт қутисига жойланган оч яшил рангли, ўтсимон, ўткир хидли, модда таркибида фаол гиёвандлик модда “тетрагидроканнабинол” мавжуд бўлиб ушбу модда “марихуана” гиёвандлик моддаси эканлиги, унинг умумий вазни 3,3 граммга тенглиги кўрсатилган.

Шундай қилиб, Зармасов Фахриддин Мустафакулович ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан бир гуруҳ шахс бўлиб, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб, озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” бандида кўрсатилган жиноятни қасдан содир этган.

Судланувчи Усманов Косимжон Эсанович (Usmanov Kosimjon Esanovich), бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб, озгинадан кўпроқ миқдордаги гиёвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказиш жиноятини қасдан содир қилган.

Жумладан, Усманов Косимжон Эсанович, 2018 йил 16 декабрь куни Янгиер шаҳар ИИБ бошлиги номига Янгиер шаҳар ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, Сардоба тумани, Гулзор К.ФЙ, Тинчликсевар МФЙда яшовчи Зармасов Фахриддин Мустафакуловични гиёвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сотиш билан шуғулланаётганлиги ҳақидаги билдиргисига асосан 2018 йил 18 декабрь куни Янгиер шаҳар ИИБ ЖҚБ тезкор вакиллари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида, Сардоба тумани, Гулзор ҚФЙ, Х.Олимжон МФЙ, Сангзор кўчасида ИИБ ходими Ф.М.Зармасовга гиёвандлик моддаси топиб беришини, пулга сотиб олишини айтганида, Ф.М.Зармасов унга шундай гиёвандлик моддасини пулга топиш мумкинлигини айтиб розилик билдириб, ИИБ ходимлари томонидан тадбирга берилган 200.000 сум пулни олиб, Сардоба тумани, Гулзор ҚФЙ, Х.Олимжон МФЙ, Сангзор кучаси 3-уй 2-хонадонда яшовчи таниши Усманов Косимжон Эсанович билан гиёвандлик моддасини сотиб бойлик орттириш мақсадида жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахс бўлиб, ундан 200.000 сўм ва ўзининг Самсунг русумли телефони эвазига 1 дона “СПИЧКИ” номли гугурт қутисига жойланган яшил рангли, ўткир хидли “марихуана” гиёвандлик моддасини олиб, ИИБ ходимига сотган вақтида ушланиб, ушбу модда холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Олиб борилган тезкор тергов ҳаракатлари натижасида, Ф.М.Зармасов ушбу гиёвандлик моддани Сардоба тумани, Гулзор ҚФЙ, Х.Олимжон МФЙ, Сангзор кўчаси 3-уй 2-хонадонда яшовчи таниши Усманов Косимжон Эсановичдан 200.000 сўм пул ва Ф.М.Зармасовга тегишли бўлган Самсунг русумли телефон аппаратини бериб олганлиги аниқланиб, К.Э.Усмановдан тезкор тадбирга ишлатиш учун берилган

200.000 сўм пуллар ва Ф.М.Зармасовни Самсунг русумли телефон аппарати ашёвий далил тариқасида олинган.

Судга оид кимё экспертизасининг 2018 йил 19 декабрдаги 928-сонли хулосасига кўра, тадқиқотга келтирилган “СПИЧКИ” номли гугурт қутисига жойланган оч яшил рангли, ўтсимон, ўткир хидли модда таркибида фаол гиёвандлик модда “тетрагидроканнабинол” мавжуд бўлиб, ушбу модда “марихуана” гиёвандлик моддаси эканлиги, унинг умумий вазни 3,3 граммга тенглиги кўрсатилган.

Шундай қилиб, Усманов Косимжон Эсанович ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан бир гуруҳ шахс бўлиб, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб, озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” бандида кўрсатилган жиноятни қасдан содир этган.

Судда судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ф.Зармасов, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қуйидагиларни билдирди, ҳақиқатдан ҳам у 2018 йил 8 декабрь куни Янгиер шаҳрида яшовчи таниши Самандарни кўриб қолганлиги, уни анча вақтдан буён кўрмаганлиги сабабли у билан бироз гаплашиб, қўл телефон рақамларини алмашганлиги, 2018 йил 11 декабрь куни Самандар унинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, наша гиёвандлик моддаси топишни имкони борми деб сўраганлиги, у унга сўраб кўришини айтганлиги, унга яхшиси бўлишини, ўзи чекиб кўришини айтганлиги, шу куни у маҳалладоши Усманов Косимжонни уйига сварка аппаратини олиб кетишга келганлиги, Косимжон билан бўлган суҳбат давомида унга Янгиер шаҳрида яшовчи танишлари наша гиёвандлик моддаси топиб беришини сўраётганини, кимдан топса бўлишини айтганлиги, Косимжон унга “менда бор, фақат пул керак булганлиги учун бир гугурт қутисига солинган марихуанани 500.000 сўмга сотаман” деганлиги, у унга бўлмаса озроқ беришини, чекиб кўриб танишларига яхши ёки ёмонлигини айтишини маълум қилганлиги, Косимжон унга қоғозчага озроқ солиб наша гиёвандлик моддасини берганлиги, у сварка аппаратини ҳам олиб қайтиб уйига кетганлиги, Самандарга қўнғироқ қилиб, унга танишидан наша топганини, келиб чекиб кўришини айтганлиги, унга ўзи чекиб, унга айтишини маълум қилганлиги, у бир ўзи Косимжондан олган нашани қоғозга ўраб чекиб кўрганлиги, шундан сўнг Самандарга нашани чекканини, бошини айлантирганини айтганлиги, унга бўлди Сардобага келиб олишини айтганлиги, у унга бир гугурт қутисига солинган нашани 500.000 сўм деб айтаяпти деганлиги, унга пулдан хавотир олмаслигини айтганлиги, шундан сўнг Косимжонни кўрмаганлиги, 2018 йил 18 декабрь куни соат 16:00 ларда, Самандар унинг қўл телефонига СМС жўнатиб, йўлда эканини, ёнига келаётганини ёзганлиги, шундан сўнг соат 19:00 ларда Самандар телефон қилиб, маҳалласида эканини айтганлиги, унга кўчада кутиб туришини айтганлиги, шундан сўнг Косимжоннинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, “наша гиёвандлик модданг турибдими,

Янгиер шаҳридан танишларим келаяпти, олиб кетаман” деганида, Косимжон келаверишини айтганлиги, бироздан сўнг Самандар Спарк русумли автомашинасида келганлиги, автомашинада унга нотаниш бўлган уч нафар болалар ўтирган эканлиги, Самандар булар ким деб сўраганлиги, у танишлари эканини айтганлиги, Самандарни автомашинасига ўтирганлиги, ундан наша борми деб сўраганлиги, унга бор эканини, Косимжон уйи томонга автомашинани бошқаришини айтганлиги, улар Косимжонни уйига етмасдан 200 метр узоқликда тўхтаганлиги, Самандар унга 50.000 сўмлик купюраларда бўлган 8 дона 400.000 сўм пулларни бериб, нашани олиб чиқинг деганлиги, унга ўзи ҳам у билан бирга беришини айтганлиги, унга ўзи кириб нашани олиб чиқишини, таниши уни кўрса нашани бермаслигини айтганлиги, шундан сўнг Косимжонни уйига келиб, унга нашани сал арзонроққа беришини, танишлари қиммат деб айтаётганлиги маълум қилганида, унга майли бир гугурт кутисига солинган марихуанани 400.000 сўмга беришини айтганлиги, у унга агар наша кучсиз бўлса қайтариб беришини айтганлиги, Косимжон унга ёқса шу эканлиги, унда бошқачаси йўқлигини, пулини ҳам қайтариб бермаслигини айтганлиги, шундан сўнг Косимжонга танишлари билан гаплашиб келишини айтиб, уйдан чиқиб кетганлиги, Самандарга Косимжон нашани қайтариб олмаслигини айтганлиги, унга бўлмаса 200.000 сўмга ярмини сотиб олайлик деганлиги, у унга 200.000 сўмни қайтариб бериб яна Косимжонни уйига келганлиги, уни чақириб 50.000 сўмлик купюрада бўлган 4 дона 200.000 сўм ва ўзининг қора рангли Самсунг русумли телефонини бериб, қолган 200.000 сўмни берганидан сўнг телефонини олиб кетишини айтганлиги, Косимжон унга Спички номли гугурт кутисига жойлашган нашани берганлиги, у Самандарни ёнига бориб, унинг автомашинасига ўтириб наша солинган гугурт кутисини берганлиги, у гугурт кутисини очиб кўриб, наша эканини айтиб, ўзининг гувоҳномасини кўрсатиб, ИИБ ходими эканини айтганлиги, ИИБ ходимлари уни Янгиер шаҳар ИИБга олиб келиб, мутахассис иштирокида ундан лаб, кафт, сўлак суртмаларидан ва тирноқдан намуна олганлиги, у ҳолат юзасидан тушунтириш хати ёзиб берганлиги, Усмонов Косимжонни ҳамма маҳалладошлари ёшлигидан Пардабой деб чақиршини, шунинг учун у ҳам уни Пардабой деб чақиршини, у муқаддам К.Усмонов билан наша гиёвандлик моддасини чекмаганлиги, 2018 йил 18 декабрда ИИБ ходимига берган Спички номли гугурт кутисига жойланган марихуана гиёвандлик моддасини таниши Усмонов Қосимжондан ИИБ ходимидан олган 200.000 сўм пул ва ўзининг Самсунг русумли телефон аппаратини бериб олганлиги, оила аъзоларидан ҳеч ким “марихуана” гиёвандлик моддасини истеъмол қилмаслигини, у “марихуана” гиёвандлик моддасини ёнида сақлаш, истеъмол қилиш ва сотиш жиноят эканини билишини, Самандарни ёшликда уларни қишлоғига коллеждан пахта териш учун келган вақтларидан буён танишлигини, уни кўп йиллардан бери таниганлиги учун наша гиёвандлик моддасини топишда ёрдам беришга

рози бўлганлиги, чунки Самандар унга кўп маротаба телефон қилиб наша топишда ёрдам беришни сўравергач топиб берганлиги, уни ички ишлар ходими эканлигини билмаганлигини, у ҳозирги кунда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик сўраб кўрсатув берди.

Судда судланувчи тариқасида сўроқ қилинган К.Усманов, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қуйидагиларни билдирди, ҳақиқатдан ҳам у 2018 йил сентябрь охи ўрталарида Сардоба тумани, Гулзор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги дала майдонларининг бирига молларига ўт олиб келиш учун борганлиги, ушбу ташландиқ дала майдонларининг ариқдан молларига ўт ўра бошлаганлиги, шу вақти дала майдонининг юқори қисмида ариқ ёнида ёввойи наша гиёвандлик ўсимлиги ўсиб ётганини кўрганлиги, ушбу ёввойи наша ўсимлигини истеъмол қилиб кўриш мақсадида юлиб олганлиги ва уйига олиб келганлиги, шундан сўнг ушбу наша ўсимлигини уйидаги молхонасининг томига олиб чиқиб, ҳеч ким кўрмайдиган жойда қуритганлиги, ушбу наша қуруқ ҳолга келганидан сўнг уйига олиб кириб шифонерининг устига қўйиб сақлаганлиги, 2018 йил 11 декабрь куни уйига у билан битта маҳаллада яшовчи таниши Зармасов Фахриддин келиб, сварка аппаратини олиб кетишга келганлиги, шу вақти у билан бўлган суҳбат давомида унга Янгиер шаҳрида яшовчи танишлари наша гиёвандлик моддаси топиб беришини сўраётганини, кимдан топса бўлишини айтганида, унда борлигини, фақат пул керак бўлганлиги учун бир гугурт қутисига солинган марихуанани 500.000 сўмга сотишини айтганлиги, Фахриддин унда бўлмаса озроқ беришини, чекиб кўриб танишларига яхши ёки ёмонлигини айтишини маълум қилганлиги, у унга қоғозчага озроқ солиб берганлиги, у сварка аппаратини ҳам олиб қайтиб кетганлиги, шундан сўнг Фахриддинни кўрмаганлиги, 2018 йил 18 декабрь куни унинг 99897-274-29-84 рақамига Фахриддин кўнғироқ қилганлиги ва унга “нашанг турибдими, Янгиер шаҳридан танишларим келаяпти, олиб кетаман” деганлиги, 2018 йил соат 19:00 ларда Фахриддин уйига келганлиги, унга нашани сал арзонроққа бер деганлиги, танишлари қиммат деб айтаяпти деганлиги, унга майли бир гугурт қутисига солинган марихуанани 400.000 сўмга беришини айтганлиги, Фахриддин унга агар наша кучсиз бўлса, қайтариб беришини айтганлиги, у унга ёқса шу унда бошқачаси йўқлигини, пулини ҳам қайтариб бермаслигини айтганлиги, шундан сўнг у танишлари билан гаплашиб келай деб уйдан чиқиб кетганлиги, бироздан сўнг қайтиб келиб, 50.000 сўмлик купюрада бўлган тўрт дона жами 200.000 сўм ва ўзининг қора рангли Самсунг русумли телефонини бериб қолган 200.000 сўмни берганидан сўнг телефонини олиб кетишини айтганлиги, у Ф.Зармасовдан олган 4 дона 50.000 сўмлик купюрадаги жами 200.000 сўм пулни олиб уйининг ётоқхонасидаги шифонерида устида турган ҳаво рангли куртқасини ўнг олди чўнтагига солиб қўйганлиги, Ф.Зармасов келмаганидан сўнг ётиб ухлаганлиги, 2018

Йил 19 декабрь куни уйига Янгиер шаҳар ИИБ ЖКБ ходимлари келиб ўзларини таништирганлиги ва унга маҳалласида яшовчи Фахриддиндан пул олган олмаганини сўраганида, ИИБ ходимларига Фахриддин унга қарзи эвазига 200.000 сўм пул берганини айтганлиги, ИИБ ходимлари унга ҳақиқатни гапиришини, айбини бўйнига олган тақдирда унга қонунга кўра енгиллик қўлланилишини айтганлиги, у кейин айбини бўйнига олиб, Янгиер шаҳар ИИБ ходимларига ҳақиқатдан ҳам таниши Ф.Зармасовга бир дона гугурт қутисига солинган наша гиёвандлик моддасини 200.000 сўмга сотганини, бу пуллар уйининг ётоқхонасидаги шифонерида турганини айтиб, ИИБ ходимларига у билан бирга ётоқхонага киришини айтганлиги, кейин ётоқхонага кирганида шифонерида турган куртканининг олди чўнтагидан тўрт дона 50.000 сўмлик купюраларда бўлган жами 200.000 сўм пулларни олиб, ИИБ ходимларига ўз хоҳиши билан тақдим қилганлиги, ИИБ ходимлари ўзларида бўлган пулларни ксеронусхалари билан ундан олинган пулларни ксеронусхалари билан солиштирган вақтида, пулни серия рақамлари бир хил чиққанлиги, шундан сўнг ундан нашани қанчага сотганини сўраганида, у ИИБ ходимларига 400.000 сўмга сотишга келишганини, аслида Фахриддин унга 400.000 сўм пул бермасдан 200.000 сўм берганини, қолган 200.000 сўм пул учун Фахриддин ўзига тегишли бўлган қора рангли “Самсунг” русумли қул телефон аппаратини гаров сифатида ташлаб кетганини айтиб, ушбу қўл телефон аппаратини ҳам ИИБ ходимларига тақдим қилганлиги, ИИБ ходимлари бу 200.000 сўм пулларни қоғоз конвертга, телефон аппаратини ҳам бошқа қоғоз конвертга солиб муҳрлаганлиги, ИИБ ходимлари баённома тузиб ўқиб эшиттирганлиги, кейин иштирокчилар баённомани ўқиб чиқиб имзо қўйганлиги, ИИБ ходимлари уни Янгиер шаҳар ИИБга олиб келиб, мутахассис иштирокида улардан лаб, кафт, сўлак суртмаларидан ва тирноқдан намуна олганлиги, у таниши Ф.Зармасовга бир дона гугурт қутисига жойланган наша гиёвандлик моддасини пулга муҳтож бўлганлиги сабабли 400.000 сўмга сотишга келишиб, ундан 200.000 сўм ва унинг Самсунг русумли телефон аппаратини олиб, бир дона гугурт қути марихуана сотганлиги, Ф.Зармасовга сотган марихуана гиёвандлик моддасини дастлаб уйини молхонасида ҳеч ким кўрмайдиган жойда қуритганлиги, қуриганидан сўнг уйини ётоқхонасидаги жавон устида сақлаганлиги, у муқаддам Ф.Зармасов билан марихуана гиёвандлик моддасини чекмаганлиги, оила аъзоларидан ҳеч ким “марихуана” гиёвандлик моддасини истеъмол қилмаслигини, у “марихуана” гиёвандлик моддасини ёнида сақлаш, истеъмол қилиш ва сотиш жиноят эканини билишини, ҳозирги кунда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, жиноятни очилишида фаол қатнашганлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик сўраб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган С.Ҳақбердиев, кўйидагиларни билдирди, ҳақиқатдан ҳам у олинган тезкор маълумотларга

кўра, Сардоба туманида яшовчи ўзига эскитдан таниш бўлган “Фахриддин” исмли шахс Сирдарё вилояти ҳудудида гиёвандлик моддасини сотиш билан шуғулланиб юрганлиги тўғрисида маълумот олинганлиги, “Фахриддин” исмли шахс тезкор ишловга олиниб, мулоқотга қилинганда, ушбу маълумот ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилганлиги, чунки ундан наша гиёвандлик моддаси топиш имкони бор-йўқлигини сўраганида унга бир гугурт қути марихуана гиёвандлик моддасини 400.000 сўм эвазига топиб беришини маълум қилганлиги, шундан сўнг у Янгиер шаҳар ИИБ бошлиғи номига “Фахриддин” исмли шахсга нисбатан назорат остида олиш тезкор тадбирини ўтказишга рухсат бериши тўғрисида билдирги билан мурожаат қилганлиги, бошлиқ тадбир ўтказишга рухсат берганлиги, 2018 йил 18 декабрь куни назорат остида олиш тезкор тадбирини ўтказиш учун икки нафар холисларни излаб Янгиер шаҳар ИИБ биносидан чиқанида, икки нафар йигитлар кейинчалик билишича Жураев Равшан ва Алижонов Шерзодлар кетаётганини кўрганлиги, у уларни ёнига бориб, ўзини ИИБ ходими деб таништириб, бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўраганида, Жураев Равшан ва Алижонов Шерзодлар рози бўлганлиги, шундан сўнг уларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирганлиги, холисларни ИИБ биносига олиб кириб, Сардоба туманида яшовчи “Фахриддин” исмли шахс “марихуанна” гиёвандлик воситасини сотаётганлиги ҳолати юзасидан назорат остида олиш тадбири ўтказилишини айтиб, тадбирнинг ўтказилиш тартибини тушунтирганлиги, кейин унга “Фахриддин” исмли шахсдан “марихуана” гиёвандлик воситасини назорат остида сотиб олиши учун саккиз дона 50.000 сўмлик купюрадаги жами 400.000 сўм пулларни ксеронусхасини олиб рақамларини баённомага киритиб холисларнинг иштирокида пулларни олганлиги, шунингдек “Фахриддин” исмли шахс билан ўртасида бўладиган суҳбатни ёзиб олиш учун диктофон олганлиги ва бу ҳақда ҳам баённома тузилиб, барча иштирокчилар баённомаларга имзо қўйганлиги, шундан сўнг тадбир иштирокчилари билан ўзининг оқ рангли Спарк русумли 20B787DA давлат рақамли автомашинасига ўтириб, Сардоба тумани, Гулзор маҳалласига борганликларини, у “Фахриддин” исмли шахсга қўнғироқ қилганида, у ўзи истиқомат қилувчи Гулзор маҳалласининг кириш жойига чиқишини айтганлиги, улар Фахриддин айтган жойда кутиб турганликларини, тахминан 5 дақиқадан сўнг Фахриддин Гулзор маҳалласининг кириш жойига келиб, у билан учрашиб, 20B787DA давлат рақамли автомашинасига ўтириб, автомашинанинг орқа ўриндиғида ўтирган холислар Ш.Алижонов ва Р.Жураевга қараб уларни кимлигини сўраганлиги, унга танишлари деб айтганлиги, шунда Фахриддин исмли шахс сотмоқчи бўлган марихуанна гиёвандлик воситаси унинг танишида эканлигини, таниши бир гугурт қути солинган марихуана гиёвандлик воситасини 500.000 сўм эвазига сотишини, 400.000 сўм эвазига сотишга рози бўлишини айтганлиги, у 400.000 сўм пулларни Фахриддинга бериб,

пулларнинг ярми 200.000 сўмини жўрасига беришини, қолган 200.000 сўмини марихуанна гиёвандлик воситасини берганидан кейин беришини айтганлиги, шундан сўнг Фахриддиннинг кўрсатувиغا кўра Спарк русумли 20B787DA давлат рақамли автомашинада Гулзор маҳалласининг Такаллуф кўчасига борганликларини, Фахриддин исмли шахс автомашинадан тушиб бу кўчадаги уйлардан бирига кириб, бироздан сўнг қайтиб чиқиб, автомашинага ўтирганлиги, у Фахриддинга агар марихуана яхши бўлмаса қайтариб берамиз деб 200.000 сўм пулни ундан олиб қолганлиги, у автомашинадан тушиб кетганлиги, тахминан 15 дақиқалардан кейин қайтиб чиқиб, автомашинага ўтириб, танишига 200.000 сўм пул ва гаровга ўзининг Самсунг русумли телефон апаратини ташлаб чиққанини айтиб, бир дона устки қисмида “Спички” ёзуви бўлган гугурт қутисини берганлиги, у гугурт қутини очиб кўрганида, ичида ўткир ҳидли, яшил рангли қуритилган “Марихуанна” гиёвандлик моддасига ўхшаш восита бор эканлиги, у Фахриддинга ўзини ички ишлар ходими эканлигини билдириб, ўзини тўлиқ исми шарифи билан таништиришини сўраганлиги, у ўзини Зармасов Фахриддин Мустафакулович деб таништирганлиги, у Ф.М.Зармасовдан марихуана гиёвандлик воситасини кимдан олганини сўраганида, унга берган марихуана гиёвандлик воситасини кўрсатиб, Пардабой исмли танишидан у берган 200.000 сўм пулларни ва ўзининг телефон апаратини бериб олганини ва унга сотганини, бунинг учун яна 200.000 сўм олмоқчи бўлганини айтганлиги, Ф.Зармасов томонидан унга қайтариб берилган 50.000 сўмлик купюрадаги пуллар санокдан ўтказилганида тўрт дона ҳар бири 50.000 сўмлик купюрадаги жами 200.000 сўм пуллар эканлиги, бу пулларнинг серия ва рақамлари тадбир ўтказишдан олдин унга баённома тузилиб берилганлиги, ксеронусхалари олинган 50.000 сўмлик купюрадаги пулларнинг тўрт дона ҳар бири 50.000 сўмлик купюрадаги жами 200.000 сўм пулларнинг серия ва рақамлари бир хилда бўлганлиги, ушбу 200.000 сўм пуллар қоғоз конвертга солиниб, муҳрланганлиги, шундан сўнг улар имзо қўйганлиги, Ф.Зармасовнинг ёни кўздан кечирилган вақтда бошқа пул ва моддий қимматликлар топилмаганлиги, Ф.Зармасовдан олган бир дона устки қисмида Спички ёзуви бўлган гугурт қутининг ичидаги ўткир ҳидли, яшил рангли қуритилган марихуанна гиёвандлик воситасига ўхшаш восита оқ қоғоз конвертга солиниб, муҳрланганлиги ва тадбир иштирокчиларига имзолатганлиги, 2018 йил 19 декабрь куни яна тадбир иштирокчилари ўша икки нафар холислар билан биргаликда Ф.Зармасовга марихуана гиёвандлик моддасини сотган Пардабой исмли шахсни уйига борганларида, у уйида йўқ эканлиги, бироздан сўнг у уйига келганлиги, унга ўзини таништириб, уни ўзини таништиришини сўраганида, у ўзини Усманов Косимжон Эсанович деб таништирганлиги, у унга уни маҳалласида яшовчи Фахриддин исмли шахсдан пул олган-олмаганлигини сўраганида, унга Фахриддин қарзи эвазига 200.000 сўм пул берганини айтганлиги, унга ҳақиқатни гапиришини, айбини бўйнига олган тақдирда

унга қонунга кўра енгиллик қўлланилишини айтганлиги, шундан сўнг айбини бўйнига олиб, ҳақиқатдан ҳам таниши Ф.Зармасовга 2018 йил сентябрь ойида ўзи истиқомат қилувчи маҳаллани ташландиқ даласидан юлиб олиб қуритган, бир дона гугурт қутисига солинган марихуана гиёвандлик моддасини 200.000 сўмга сотганини, бу пуллар уйининг ётоқхонасидаги шифонерда турганини айтганлиги, у билан ётоқхонага кирганлиги, ётоқхонага кирганида ётоқхонадаги шифонерда турган куртқасининг олди чўнтагидан тўрт дона 50.000 сўмлик купюраларда бўлган жами 200.000 сўм пулларни олиб унга тақдим қилганлиги, у ўзида бўлган пулларни ксеронусхалари билан К.Усмановдан олинган пулларни ксеронусхалари билан солиштирган вақтида, пулларни серия рақамлари бир хил чиққанлиги, шундан сўнг ундан нашани қанчага сотганлигини сўраганида, унга Ф.Зармасов билан 400.000 сўмга сотишга келишганини, аслида Фахриддин унга 400.000 сўм пул бермасдан 200.000 сўмга берганлигини, қолган 200.000 сўм пул учун Фахриддин ўзига тегишли бўлган қора рангли “Самсунг” русумли қўл телефон аппаратини гаров сифатида ташлаб кетганини айтиб, ушбу қўл телефон аппаратини ҳам берганлиги, у 200.000 сўм пулларни қоғоз конвертга, Ф.Зармасовга тегишли бўлган телефон аппаратини эса бошқа қоғоз конвертга солиб, муҳрлаганлиги, у баённома тузиб ўқиб эшиттирганлиги, кейин иштирокчилар баённомани ўқиб чиқиб имзо қўйганлигини билдириб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Р.Жўраев, қуйидагиларни билдирди, ҳақиқатдан ҳам у 2018 йил 18 декабрь куни Янгиер шаҳар ИИБ ёнидан ўтиб кетаётган вақтида, фуқаролик кийимида бўлган шахслар келиб, ўзларини ИИБ ходимлари деб таништириб, бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўраганлиги, у рози бўлганлиги, ундан ташқари яна бир унга нотаниш бўлган кейинчалик танишича Алижонов Шерзод ҳам холис сифатида иштирок этганлиги, ИИБ ходимлари уларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирганлиги, шундан сўнг ИИБ ходимлари уларга Сардоба туманида яшовчи “Фахриддин” исмли шахс “марихуанна” гиёвандлик воситасини сотаётганлиги юзасидан назорат остида олиш тадбири ўтказилишини айтиб, тадбирнинг ўтказилиш тартибини тушунтирганлиги, кейин ИИБ ходимлари Янгиер шаҳар ИИБ ЖКБ тезкор вакили Хақбердиев Самандарга “Фахриддин” исмли шахсдан “марихуанна” гиёвандлик воситасини назорат остида сотиб олиши учун саккиз дона 50.000 сўмлик купюрадаги жами 400.000 сўм пулларни ксеронусхасини олиб, рақамларини баённомага киритиб уларнинг иштирокида пулларни С.Хақбердиевга берганлиги, шунингдек С.Хақбердиевга Фахриддин исмли шахс билан ўрталарида бўладиган суҳбатни ёзиб олиш учун ҳам диктафон тақдим қилганлиги ва бу ҳақда ҳам баённома тузишиб, барча иштирокчилар баённомаларга имзо қўйганлиги, шундан кейин С.Хақбердиевнинг кўрсатувиغا кўра, ИИБ ходимлар билан

оқ рангли Спарк русумли 20B787DA давлат рақамли автомашинада Сардоба тумани, Гулзор маҳалласига борганликларини, С.Хақбердиев Фахриддин исмли шахсга кўнғироқ қилганида, Фахриддин исмли шахснинг ўзи истикомат қилувчи Гулзор маҳалласининг кириш жойига чиқишини айтганлиги, тахминан беш дақиқадан кейин Фахриддин исмли шахс Гулзор маҳалласининг кириш жойига келиб, С.Хақбердиев билан учрашиб, оқ рангли Спарк русумли 20B787DA давлат рақамли автомашинага ўтириб, автомашинанинг орқа ўриндиғида у билан Ш.Алижоновни кимлигини сўраганлиги, С.Хақбердиев эса уларни танишлари деб айтганлиги, шунда Фахриддин исмли шахс сотмоқчи бўлган марихуанна гиёвандлик воситаси унинг танишида эканини, таниши бир гугурт қути солинган марихуанна гиёвандлик воситасини 500.000 сўм эвазига сотишини, 400.000 сўм эвазига сотишга рози бўлишини айтганлиги, С.Хақбердиев 400.000 сўм пулларни Фахриддин исмли шахсга бериб, пулларнинг ярми 200.000 сўмини жўрасига беришини, қолган 200.000 сўмини марихуанна гиёвандлик воситасини берганидан кейин беришини айтганлиги, шундан сўнг Фахриддин исмли шахс у билан бирга танишининг уйига боришни айтганидан кейин С.Хақбердиев улар ва Фахриддин исмли шахс билан унинг кўрсатувиغا кўра Спарк русумли 20B787DA давлат рақамли автомашинада Гулзор маҳалласининг Такаллуф кўчасига ҳайдаб келганлиги, Фахриддин исмли шахс автомашинадан тушиб, бу кўчадаги уйлардан бирига кириб, бироздан сўнг қайтиб чиқиб, автомашинага ўтирганлиги, С.Хақбердиев Фахриддин исмли шахсга агар марихуана яхши бўлмаса қайтариб берамиз деб 200.000 сўм пулни ундан олиб қолиб, автомашинадан тушиб кетганлиги, тахминан 15 дақиқалардан кейин қайтиб чиқиб, автомашинага ўтириб, С.Хақбердиевга бир дона устки қисмида Спички ёзуви бўлган гугурт қутисини берганлиги, С.Хақбердиев бу гугурт қутини очиб қараганида, ичида ўткир ҳидли, яшил рангли қуритилган марихуанна гиёвандлик воситасига ўхшаш восита бўлганлиги, Фахримин исмли шахс танишига 200.000 сўм пул ва гаровга ўзининг Самсунг русумли телефон аппаратини ташлаб чиққанлигини айтганлиги, ИИБ ходимлари улар билан автомашинада ўтирган Фахриддин исмли шахсга ўзларини таништириб, ундан ўзини таништиришини сўраганлиги, у эса ўзини Зармасов Фахриддин деб таништирганлиги, ИИБ ходимлари Ф.М.Зармасовдан марихуанна гиёвандлик воситасини кимдан олганлигини сўраганида, у С.Хақбердиевга берган марихуанна гиёвандлик воситасини кўрсатиб, таниши Пардабойдан унга С.Хақбердиев томонидан берилган 50.000 сўмлик купюрадаги 200.000 сўм пулларни ва ўзининг телефон аппаратини бериб олганини ва С.Хақбердиевга сотганини ва бунинг учун яна 200.000 сўм олмоқчи бўлганини айтганлиги, Ф.Зармасов томонидан С.Хақбердиевга қайтариб берилган 50.000 сўмлик купюрадаги пуллар санокдан ўтказилганида, тўрт дона ҳар бири 50.000 сўмлик купюрадаги жами 200.000 сўм пуллар эканлиги, бу пулларнинг серия ва рақамлари тадбир ўтказишдан олдин С.Хақбердиевга баённома тузилиб

берилганлиги, ксеронусхалари олинган 50.000 сўмлик купюрадаги пулларнинг тўрт дона ҳар бири 50.000 сўмлик купюрадаги жами 200.000 сўм пулларнинг серия ва рақамлари бир хил эканлиги, ушбу 200.000 сўм пуллар қоғоз конвертга солиниб, муҳрланганлиги, улар ушбу қоғоз конвертларга имзо қўйганликларини, Ф.Зармасовнинг ёни кўздан кечирилган вақтида бошқа пул ва моддий қимматликлар топилмаганлиги, С.Хақбердиев томонидан тақдим қилинган бир дона устки қисмида Спички ёзуви бўлган гугурт қутининг ичидаги ўткир ҳидли, яшил рангли қуритилган марихуанна гиёхвандлик воситасига ўхшаш восита оқ қоғоз конвертга солиниб, муҳрланганлиги ва улар имзо қўйганлигини, 2018 йил 19 декабрь куни яна тадбир иштирокчилари билан Ф.Зармасовга марихуана гиёвандлик моддасини сотган Пардабой исмли шахсни уйига борганликларини, у уйда йўқ эканлиги, бироздан сўнг Пардабой келганлиги, ИИБ ходимлари унга ўзларини таништириб, уни ўзини таништиришни сўраганлиги, у ўзини Усманов Косимжон Эсанович деб таништирганлиги, ИИБ ходимлари унга уни маҳалласида яшовчи Фахриддин исмли шахсдан пул олган-олмаганлигини сўраганлиги, у ИИБ ходимларига Фахриддин унга қарзи эвазига 200.000 сўм пул берганини айтганлиги, ИИБ ходимлари унга ҳақиқатни гапиришини, айбини бўйнига олган тақдирда унга қонунга кўра енгиллик қўлланилишини айтганида, у айбини бўйнига олиб, Янгиер шаҳар ИИБ ходимларига ҳақиқатдан ҳам таниши Ф.Зармасовга бир дона гугурт қутисига солинган наша гиёвандлик моддасини 200.000 сўмга сотганини, бу пуллар уйининг ётоқхонасидаги шифонерда турганини айтиб, ИИБ ходимлари у билан ётоқхонага киришини айтганлиги, кейин ётоқхонага кирганида ётоқхонадаги шифонерда турган куртканинг олди чўнтагидан тўрт дона 50.000 сўмлик купюраларда бўлган жами 200.000 сўм пулларни олиб, ИИБ ходимларига ўз хоҳиши билан тақдим қилганлиги, ИИБ ходимлари ўзларида бўлган пулларни ксеронусхалари билан ундан олинган пулларни ксеронусхалари билан солиштирган вақтида, пулни серия рақамлари бир хил чиққанлиги, шундан сўнг ундан нашани қанчага сотганини сўраганида, ИИБ ходимларига Ф.Зармасов билан 400.000 сўмга сотишга келишганини, аслида Фахриддин унга 400.000 сўм пул бермасдан, 200.000 сўм берганини, қолган 200.000 сўм пул учун Фахриддин ўзига тегишли бўлган қора рангли Самсунг русумли қўл телефон апаратыни гаров сифатида ташлаб кетганини айтиб, ушбу қўл телефон апаратыни ҳам ИИБ ходимларига тақдим қилганлиги, ИИБ ходимлари бу 200.000 сўм пулларни қоғоз конвертга ва телефонни бошқа қоғоз конвертга солиб, муҳрлаганлиги, ИИБ ходимлари баённома тузиб ўқиб эшиттирганлиги, кейин иштирокчилар баённомани ўқиб чиқиб имзо қўйганлиги, у ўз розилиги билан ушбу тадбирда холис сифатида иштирок этишга рози бўлиб иштирок этганлиги, ИИБ ходимлари томонидан Зармасов Фахриддин ва Усманов Косимжонга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар, уриш, қийнаш ва бошқа ҳаракатлар бўлмаганлиги, К.Усманов

ИИБ ходимларига Ф.Зармасовга сотган марихуана гиёвандлик моддасини даладан териб олганини айтганлигини билдириб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Ш.Алижонов худди гувоҳ Р.Жўраевнинг кўрсатувларига ўхшаш кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчиларнинг жиноят содир этганликда айби, уларнинг ўзларининг ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, жиноят ишида мавжуд бўлган билдиргилар (и.в. 3-4), пулларни қайд этиш ва топшириш баённомаси (и.в. 5-6), овоз ёзиш учун диктафон бериш баённомаси (и.в. 7), назорат остига олиш баённомаси (и.в. 8-10), тушунтириш хати (и.в. 12-15, 18-23), нарса ва буюмни олиш баённомаси (и.в. 16-17), овоз ёзиш учун тақдим этилган диктафонни қайтариб олиш баённомаси (и.в. 24), далолатнома (и.в. 26), судга оид кимёвий экспертизаси хулосалари (и.в. 27-28,32, 36), юзлаштириш баённомалари (и.в. 60-61), нарса ва буюмни кўздан кечириш баённомаси (и.в. 66-68), Сирдарё вилоят Наркология диспансерининг 2018 йил 26 декабрь кунги 156,157-сонли далолатномалари (и.в. 75, 78), гумон қилинувчининг кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 85-90), сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ва судда атрофлича муҳокама қилинган бошқа далил ва исботлар билан тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ф.Зармасов ва К.Усмановларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки улар олдиндан гиёвандлик воситасини сотишга келишиб олишганлиги жиноят ишида тўпланган далиллар, хусусан ўзларининг ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖК, ЖПК талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи Ф.Зармасовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб эътироф этиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътиборга олиб, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, уларнинг ягона боқувчиси эканлигини, жиноятни очиш учун фаол ёрдам берганлигини, муқаддам судланмаган шахс ҳисобланувчи эканлигини инобатга олиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига

мувофиқ бўлиши кераклиги қайд қилинганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жинойт қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жинойт содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жинойт содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга энгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин” - деб тушунтириш берилганлигини инобатга олиб, судланувчи Ф.Зармасовга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сардоба туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари томонидан берилган кафолат хатига асосланиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб, қайта тарбиялаш мумкин деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, санкциясида назарда тутилмаган бошқа энгилроқ турдаги, яъни озодликни чеклаш жазосини тайинлашликни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖК, ЖПК талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жинойт учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи К.Усмановга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб эътироф этиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътиборга олиб, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, уларнинг ягона боқувчиси эканлигини инобатга олиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг 8-моддасида, жинойт содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жинойтнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги қайд қилинганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жинойт қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жинойт содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жинойт содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга энгилроқ

чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин” - деб тушунтириш берилганлигини инобатга олиб, судланувчи К.Усмановга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сардоба туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари томонидан берилган кафолат хатига асосланиб, унинг қаромоғида нафақахўр онаси ва вояга етмаган фарзандлари борлигидан келиб чиқиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб, қайта тарбиялаш мумкин деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги, яъни озодликни чеклаш жазосини тайинлашликни лозим топади.

Бундан ташқари, суд мазкур иш бўйича ашъвий далил тариқасида олинган ва ДХХ Сирдарё вилоят бошқармасининг далилий ашъларни сақлаш хонасига 21.02.2019 йилда 0034206-сонли квитанция орқали топширилган “марихуана” гиёвандлик воситасини қонунда белгиланган тартибда йўқ қилишликни ҳамда жиноят ишига илова қилинган ўтказилган тадбир жараёни запис қилиниб, DVD дискка туширилган ҳамда видеотасвирга олинган 2 дона DVD дискни жиноят иши билан бирга сақлашни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорининг 12-бандига асосан судланувчи Ф.Зармасовга тегишли бўлган “Samsung” русумли уяли алоқа телефон аппаратини тегишли тартибда баҳолатишни олиб қўйган орган Янгиер шаҳар ИИБ зиммасига юклашни ҳамда телефон аппаратини сотувга чиқариб, сотувдан тушган пулларни давлат эгилигига ўтказишни Мирзаобод туман Мажбурий ижро бюроси зиммасига юклашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473 моддаларига риоя қилган ҳолда, суд ҳукм қилади,

Ҳ У К М:

Судланувчи **Зармасов Фахриддин Мустафакулович** (Zarmasov Faxriddin Mustafakulovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Зармасов Фахриддин Мустафакуловичга ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати мазкур жазолар ижросини назорат қилувчи органлар рўйхатга олган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Зармасов Фахриддин Мустафакуловичга нисбатан яшаш жойини сутканинг соат 22-00 дан соат 06-00 гача бўлган вақт оралиғида

тарк этиш тақиқлансин ҳамда унга оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик, алкоголь маҳсулотлари билан савдо қиладиган савдо шаҳобчаларида бўлмаслик ва алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, алоқа воситаларидан фойдаланмаслик ҳамда Сирдарё вилоят маъмурий худудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча мажбуриятлар юклансин ҳамда унга ушбу тақиқ (чеклаш)ларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-қисмида назарда тутилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Судланувчи Зармасов Фахриддин Мустафакуловичга нисбатан белгиланган тақиқ (чеклаш)ларга риоя этиши ва унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш ва ижросини таъминлаш вазифаси Сирдарё вилоят Сардоба туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи **Усманов Косимжон Эсанович** (Usmanov Kosimjon Esanovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Усманов Косимжон Эсановичга ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати мазкур жазолар ижросини назорат қилувчи органлар рўйхатга олган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Усманов Косимжон Эсановичга нисбатан яшаш жойини сутканинг соат 22-00 дан соат 06-00 гача бўлган вақт оралиғида тарк этиш тақиқлансин ҳамда унга оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик, алкоголь маҳсулотлари билан савдо қиладиган савдо шаҳобчаларида бўлмаслик ва алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, алоқа воситаларидан фойдаланмаслик ҳамда Сирдарё вилоят маъмурий худудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча мажбуриятлар юклансин ҳамда унга ушбу тақиқ (чеклаш)ларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-қисмида назарда тутилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Судланувчи Усманов Косимжон Эсановичга нисбатан белгиланган тақиқ (чеклаш)ларга риоя этиши ва унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш ва ижросини таъминлаш вазифаси Сирдарё вилоят Сардоба туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган ДХХ Сирдарё вилоят бошқармасининг далилий ашёларни сақлаш хонасига 21.02.2019 йилда 0034206-сонли квитанция орқали топширилган “марихуана” гиёвандлик

воситасини қонунда белгиланган тартибда йўқ қилинсин ҳамда жиноят ишига илова қилинган ўтказилган тадбир жараёни запис қилиниб, DVD дискка туширилган ҳамда видеотасвирга олинган 2 дона DVD дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Судланувчи Ф.Зармасовга тегишли бўлган “Samsung” русумли уяли алоқа телефон аппаратини Янгиер шаҳар ИИБга тегишли тартибда баҳолатиш юклатилсин.

Мирзаобод туман Мажбурий ижро бюроси зиммасига Ф.Зармасовга тегишли бўлган “Samsung” русумли уяли алоқа телефон нархи чиқарилганидан сўнг сотувга чиқариб, сотувдан тушган пулларни давлат эгаллигига ўтказишни юклатилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

Ф.Ю.Суванкулов

“Нусха аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича

Мирзаобод туман судининг раиси

Ф.Ю.Суванкулов